



O'zbekiston Respublikasi Xorazm viloyati 221200 Yangibozor shaharchasi  
Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти 221200 Янгибозор шаҳарчаси Тел: 41-94-255

2020 йил "30" Убрл

№ 1193

Янгибозор шаҳарчаси

Янгибозор туманидаги Бўзқалъа қишлоғида ташкил этилган кичик саноат зонаси (КСЗ) ҳудудидан "OLTINKO'L UNIVERSAL" фермер хўжалигига "Паррандачилик фермахонаси" қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2020 йил 27 февраль куни тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, "OLTINKO'L UNIVERSAL" фермер хўжалиги раҳбари Ж.Жумановнинг туман ҳокими номига Янгибозор туманидаги Бўзқалъа қишлоғида ташкил этилган кичик саноат зонаси (КСЗ) ҳудудидан "Паррандачилик фермахонаси" қурилиши учун ер майдони ажратиб беришини сўраб ёзган ёзишмасини, Янгибозор тумани Бўзқалъа қишлоғида ташкил этилган кичик саноат зонаси (КСЗ)нинг батафсил режалаштириш лойиҳаси (БРЛ)ни эътиборга олиб, Вилоят қурилиш бош бошқармасининг, Вилоят экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг, туман Фавқулодда вазиятлар бўлимининг ва туман СЭОМнинг ушбу объект қурилиши юзасидан ижобий хулосаларини, қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича тузилган далолатномани ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Янгибозор туманидаги Бўзқалъа қишлоғида ташкил этилган кичик саноат зонаси (КСЗ) ҳудудидан "OLTINKO'L UNIVERSAL" фермер хўжалигига "Паррандачилик фермахонаси" қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин.
2. Янгибозор тумани Бўзқалъа қишлоғида ташкил этилган кичик саноат зонаси (КСЗ) ҳудудидан "OLTINKO'L UNIVERSAL" фермер хўжалигига "Паррандачилик фермахонаси" қурилиши учун қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ерлари тоифасига қирмайдиган ердан 0,2 га. (2000,0 кв.м) ер майдони ажратилсин.
3. Буюртмачи "OLTINKO'L UNIVERSAL" фермер хўжалигига қуйидагиларни:
  - архитектура-режалаштириш топшириғини ишлатиш учун мурожаат этиш; ва
  - тегишли тартибда қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлатиш ва тасдиқлатиш;
  - ер участкасига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсларга бегоналаштирмаслик, ер участкасида қурилиб фойдаланишга қабул қилинган объект фаолият турини ўзгартирмаслик;



“Ер кодекси”нинг 36-моддаси 10-бандига асосан ажратилган ер майдонини 2 (икки) йил муддат ичида ўзлаштирилмаса ушбу қарор бекор қилиниши қайд қилинсин.

4. Туман қурилиш бўлими (О.Давлетов)га ушбу қарорга асосан белгиланган тартибда ажратилаётган 0,2 га. (2000,0 кв.м) ер майдонини бош лойиха асосида жойида (натурада) белгилаб бериш ҳамда қурилишини шаҳарсозлик меъёр қоидалари асосида назорат қилиш топширилсин.

5. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (в/б. Р.Рахимов)га ушбу ажратилган ер майдонини ҳисобга олиш ва ер кадастр китобига тегишли ўзгартиришлар киритиш, туман солиқ инспекцияси (А.Ўразбаев)га белгиланган тартибда солиққа тортиш вазифалари топширилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари в.в/б. Н.Мадаминов зиммасига юклатилсин.

Янгибозор тумани ҳокими



Ў.Курбанов